


Аллоҳ томон юзланинг!



17:00 / 25.06.2022 2551

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига Абу Товил Мамдуд деган киши келиб сўради:

- Бир киши гуноҳнинг барча турини қилган. Ундан ҳеч нарса қолдирмаган. Қанақанги гуноҳ бўлса барини қилган. Унинг тавбаси қабул бўладими?

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:

- Албатта! Аммо яхши ишлар қиласан, ёмонликлардан сақланасан. Ана шунда қилган ёмонликларингни Аллоҳ яхшиликка айлантиради.

У сўради:

- Хиёнат ва фисқу-фужурларимни ҳамми?

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

- Албатта, дедилар.

Шунда Абу Товил:

- Аллоҳу акбар, деди.

Сўнгра токи кўринмай кетгунича «Аллоҳу акбар» деб кетди.

Буюк Роббимизни қаранг! Бандаси Унга қарши маъсиятлар билан курашди. Бирор бир гуноҳни қолдирмай қилди. Сўнгра ўзини ёлғиз ҳис қилди. Аллоҳдан ўзга меҳрибони йўқлигини билди. Ғарибликни ҳис қилди. Аллоҳдан ўзга паноҳи йўқлигини ҳис қилди. Тавба қилиб, надомат қилиб, синиқ ҳолда Аллоҳга қайтди. Қайтиб гуноҳ қилмасликка азм қилди. Сўнгра Роббиси уни худди йўқолиб кетган яқинини топган кишидек қабул қилди.

Энг ёмон ғурбат Аллоҳдан узоқликдир. Энг яхши яқинлик Аллоҳга яқинликдир!

Аллоҳнинг раҳмати олдида гуноҳларимизни катта санамаслигимиз лозим. Аллоҳнинг раҳмати барча гуноҳимиздан каттароқдир. Гуноҳларни кечириши билан бирга уларни яхшиликка айлантириши эса раҳмати устига раҳматидир!

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: «Аmmo яхши ишлар қилсан, ёмонликлардан сақланасан. Ана шунда қилган ёмонликларингни Аллоҳ яхшиликка айлантиради», деган гаплари Аллоҳ таолонинг: «Магар ким тавба қилса, иймон келтириб солиҳ амал қилса бас, Аллоҳ ана ўшаларнинг ёмонликларини яхшиликларга айлантирур. Аллоҳ мағфиратли ва раҳмли бўлган зотдир», оятининг тасдиғидир.

Шайтонни Роббингиз билан ўзингизнинг орангизга тушиб олишига йўқ қўйманг. У бадбахт энди тавба қилганингизда келиб сизга гуноҳларингизни катта кўрсатади. Сизни умидсиз қилишга уринади. Зино, ароқ ичиш, ўғирлик, ёлғончилик, порахўрлик, рибо, ота-онага оқ бўлиш, силаи-раҳми униш каби гуноҳлардан энди қайтиб бўлмайти деб, сизни ноумид қилмоқчи бўлади. Аллоҳнинг раҳматини сизга кичик қилиб кўрсатмоқчи бўлади. Унга эътибор берманг. Танангиздаги бутун ҳужайрангиз билан Аллоҳ томон юзланинг. Унинг ҳузурда йиғланг, истиғфор айтинг. Қўлдан келганича солиҳ амал қилинг. Агар тавбангиз ҳақиқий бўлса эрта қиёматда қилган ёмонликларингизни мезонда яхшиликка айланганини кўрасиз.

Аллоҳдан карамлироқ ҳеч ким йўқ!

Абдулқодир Полвонов